

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-июнь ойларида Хоразм вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3370,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 11,3 % га ўсди.

2017 йил январь-июнь ойлари якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1891,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 9,5 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Хоразм вилоятининг кўшган ҳиссаси 3,1 % ни ташкил этди.


## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2016 йил январь-июнга нисбатан % да
	2016 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>2776,5</b>	<b>3370,3</b>	<b>111,3</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2624,3	3179,9	111,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	152,2	190,4	117,0
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>2624,3</b>	<b>3179,9</b>	<b>111,0</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	408,9	473,8	105,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	708,4	932,5	121,5
саноат	433,1	632,0	130,7
қурилиш	275,3	300,5	107,1
Хизматлар	1507,0	1773,6	107,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	249,2	304,5	110,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	365,6	404,2	107,1
бошқа хизмат тармоқлари	892,2	1064,9	107,1

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат –130,7 % (ЯХМ таркибидаги улуши 19,9 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 110,3 % (9,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,1 % (12,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати –105,1 %, (14,9 %), қурилиш – 130,7 % (19,9 %), ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 107,1 % (33,5 %) ни ташкил этди.

### 2017 йил январь-июнь ойларида ЯХМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 94,3 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 5,7 % ини ташкил этди.




Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,7 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 14,9 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 2,3 % пунктга ошди ва 29,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 2017 йил январь-июнда 55,8 % ни ташкил этди ва


2016 йилниг шу даврида (57,4 %) билан таққосланганда -1,6 % пунктга камайди.

**Ялпи худудий махсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2016 йил январь-июнь**




**2017 йил январь-июнь**



- Махсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 9,6 % ни (2016 йил январь-июнь 9,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 12,7 % ни (2016 йил январь-июнь 13,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 33,5 % ни (2016 йил январь-июнь 34,0 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

*Статистика фаолиятини ташкил этиш ва  
йизма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими  
Наишр учун масъул: Э.Ахмедов  
Тел: (0-371) 230-87-64*